

## **КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ**

*ТДТУ, доц. Арсланбеков С.М*

**Аннотация:** КСЗ(кичик саноат зона)ларни шакллантириши ва ривожлантириши, уни жойлаштирадиган ҳудуднинг иқтисодий ва экологик ҳолатлари, ресурслари муҳим аҳамият касб этади. Ҳудудий саноат ишлаб чиқаришни барпо этишининг ўзига хос тамойиллари. КСЗни кўп омилли эконометрик модели.

**Таянч иборалар:** Кичик саноат зонаси, кўп омилли эконометрик модел.

Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга муҳим ҳисса қўшувчи кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, бу борада “миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда чуқур таркибий ўзгаришларга эришиш, ҳудудларнинг мавжуд саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш” вазифалари белгилаб берилган. Ҳозирда мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш орқали давлатнинг саноат сиёсатини амалга ошириш, кичик саноат зоналари жойлашган ҳудудларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, ҳудудлардаги фойдаланилмаётган хомашё, меҳнат ва молия ресурсларини ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш, корхоналар ўртасида кооперацион алоқаларни кучайтириш натижасида синергетик самарага эришишга ҳаракат қилинмоқда.

КСЗ(кичик саноат зона)ларни шакллантириш ва ривожлантириш, уни жойлаштирадиган худуднинг иқтисодий ва экологик ҳолатлари, ресурслари муҳим аҳамият касб этади. КСЗларни шаҳар, вилоят маркази ёки шаҳар четидаги ҳудуд ва туманларда барпо этилиши шу ҳудудларнинг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланиб, уларни шакллантириш КБХТни ривожланишига янги имкониятлар яратади.

КСЗларни республика ҳудудлари бўйича жойлаштириш ҳам саноат ишлаб чиқаришни худудий ташкил этиш шаклларини худудий-фазовий жойлаштириш назарияси ва тамойилларига асосланади, деб айтиш мумкин.

Республикада 2020-2021 йиллари ташкил этилган КСЗни ўргансак, 3.1-жадвал, уларнинг сони 87 та бўлиб, жами ер майдони 736,8 гектарни ташкил этади. Жами КСЗларнинг 36 таси шаҳарларда, қолган 57 таси туман ҳудудларида жойлашган. Энг кўп КСЗлари Тошкент вилоятида 17 та, Самарқанд вилоятида 14 та ташкил этилган. Энг кам КСЗлари Сирдарё вилоятида (2та), Андижон (3та) ва Фарғона (4та) вилоятларида барпо этилган. КСЗларга ажратилган ер майдони бўйича ўргансак, энг кўп ер майдони Тошкент шаҳрида (163,9 гектар) ва Қорақалпоғистон Республикасида (200 гектарга яқин) ажратилган. Тошкент шаҳрида ҳар бир зонага ўртacha тўғри келадиган ер майдони бўйича ҳам етакчи ўринни эгаллайди ва бу кўрсаткич 20,5 гектарга teng.

КСЗлар ҳар хил табиий шароитга эга бўлган, ижтимоий ва иқтисодий ҳолати ҳам турлича бўлган ҳудудларда барпо этилмоқда. Бу ҳудудлар табиий ресурслари, экологик ҳолати ва меҳнат ресурсларининг сони ва сифати билан ҳам ўзаро фарқ қиласди. Шунинг учун ҳам КСЗларни ҳудудлар бўйича жойлаштиришда бир қатор тамойилларни хисобга олиш зарур. Кўпчилик олимлар томонидан тан олинувчи тамойиллар қаторига қуидагиларни киритиш мумкин: саноат ишлаб чиқаришини хомашё манбаларига, ёқилғи, электр энергияси ва истеъмолчилар жойлашган

худудга яқин жойлашуви; ишлаб чиқаришни худудларнинг саноат ишлаб чиқариш кўрсаткичларини қиёслаш асосида жойлаштириш; худудлардаги ихтисослашган корхоналарга мос ҳолда жойлаштириш, яъни маҳаллий корхоналар билан кооперациялашуви асосида максимал самарага эришиш нуқтаи назардан; шаҳарларда саноат ишлаб чиқаришнинг ҳаддан ортиқ марказлашуви, ўрта шаҳар ва туманларни ривожлантириш; транспорт билан таъминлаш ва транспорт харажатларини камайтириш орқали тайёр маҳсулот таннархини пасайтириш. Транспорт ва ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш орқали рақобатбардошликка эришиш, иқтисодий рентага эга бўлиш, яхши иқтисодий конъюнктура бўлганда, саноат ишлаб чиқаришининг чегара зоналарида жойлашуви ижобий натижа бериши мумкин. Ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг замонавий тамойил-ларига қуидагиларни киритиш мумкин: меҳнат сифими юқори бўлган ишлаб чиқаришни, ортиқча ишчи кучи бўлган худудга жойлаштириш (арzon ишчи кучи бўлган худудга); атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб чиқаришни шаҳар четида ёки туман худудида барпо этилувчи КСЗларда жойлаштириш. Хорижий давлатлар тажрибасидан маълумки, атроф-муҳитга салбий таъсир этувчи саноат корхоналарни ривожланаётган давлатларда жойлаштиради, (нефтни қайта ишлаш ва нефт-кимё, газни қайта ишлаш саноати Яқин Шарқ ва Африка давлатларида жойлаштирилади). Ижтимоий-иктисодий тангликни бартараф этиш учун депрессив худудларни ривожлантириш ва у ерда инвестицион муҳитни яхшилаш; маҳаллий ҳокимият томонидан хусусий капитал учун солиқ ва бошқа имтиёзларнинг яратилиши; божхона тарифларини камайтириш (кўтариш); фирмалар томонидан бўш майдонларни ўзлаштириш. Ушбу тамойиллар оқилона бўлса-да, уларнинг биргаликда содир бўлишини амалда таъминлаб бўлмайди. КСЗларни барпо этишда уларнинг бозорга яқин бўлишини таъминлаш, электр энергияси, газ ва сув таъминоти, транспорт коммуникацияси ва меҳнат ресурслари билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш зарур бўлади. Экологияга салбий

таъсир этувчи ишлаб чиқаришни шаҳар ҳудудларида жойлаштирмаслик масаласини, танлов шартларига маҳсус талаб сифатида киритиш орқали ҳал этиш мумкин.

Ушбу юқорида келтирилган омиллар бўйича тренд моделлари ёрдамида ҳар бир омилнинг қийматини 2022-2026 йиллар учун прогноз қиласиз ва прогноз натижалари қийматларини (3) кўп омилли эконометрик моделга қўйиб, натижавий кўрсаткич-кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмини 2022-2026 йиллар учун прогноз қиласиз. Прогноз натижалари Ушбу юқорида келтирилган омиллар бўйича тренд моделлари ёрдамида ҳар бир омилнинг қийматини 2022-2026 йиллар учун прогноз қиласиз ва прогноз натижалари қийматларини кўп омилли эконометрик моделга қўйиб, натижавий кўрсаткич-кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмини 2022-2026 йиллар учун прогноз қилинади.

Прогноз даврида республика саноат соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлган ишчилар сони йилига ўртача 1,02 фоиз ўсиш тенденциясига эга. Бунинг сабаби шуки, ҳозирги даврда нафақат анъанавий саноат тармоқлари, балки инновацион саноат тармоқларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Шунинг учун ҳам прогноз даврида саноат соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлган **ишчилар сони ортиб бормоқда**.

КСЗлар маҳсулотининг 2021 йилдаги КБХТ саноат маҳсулотидаги 1,52 фойз улушини сақлаб қолса, 2026 йилга келиб КСЗ маҳсулоти 1398,6 млрд. сўмни ташкил қиласи.

Ўзбекистон Республикасида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш бугунги қунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Саноат тармогининг ривожланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун аввало тармоқнинг самарадорлигини белгиловчи омилларни аниқлаш лозим. Бунинг учун кўп омилли чизиқли эконометрик моделлаштириш усулидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Кўп омилли эконометрик моделда қатнашувчи омиллар саноат ишлаб чиқариши самарадорлигига таъсирларни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

### **Адабиётлар / References:**

1. Бородачев, И.М. Потенциал частно-государственного партнерства как фактор повышения конкурентоспособности экономики / И.М.Бородачев// Экономические науки. - 2007. - N 11 (36). - С. 65-68.
2. Гафуров.У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Монография. – Тошкент: Молия, 2016 йил. 208 бет.
3. Шакирова, Ф. (2023). АҚШ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ИННОВАЦИОН ТИЗИМИ ОМИЛЛАРИ, ТАРКИБИ ВА РИВОЖЛАНИШ НАЗАРИЯСИ. *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences.*, 3(S/5).
4. Шакирова, Ф. (2023). ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ. *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences.*, 3(12/1).
5. Shakirova, F. B. (2023). STRATEGIES FOR INCREASING THE COMPETITIVENESS OF THE VENTURE BIZNES. *International journal of advanced research in education, technology and management*, 2(4).